TIBBIYOT OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA TA’LIM XIZMATLARINI TASHKIL ETISHNING NORMATIV-METODIK SHART-SHAROITLARI

Akramova Nozima Akramovna
PhD, Oriental universiteti mustaqil izlanuvchisi, «Academic Development Group»ning litsenziyalash va akademik rivojlanish masalalari bo‘yicha maslahatchisi

Annotatsiya

Maqolada tibbiyot oliy ta’lim muassasalarida ta’lim xizmatlarini tashkil qilishning me’yoriy-uslubiy shartlari ko‘rib chiqilgan. O‘zbekistonda oliy ta’lim, raqamlashtirish va sog‘liqni saqlash tizimini rivojlantirishga qaratilgan islohotlar doirasida tibbiyot universitetlari faoliyatini belgilovchi huquqiy-me’yoriy hamda uslubiy asoslar tahlil etilgan. Amaldagi normativ hujjatlar, raqamli ta’lim infratuzilmasi, ta’lim jarayonini boshqarish mexanizmlari hamda ta’lim sifatini ta’minlash tizimi baholangan. Olingan natijalar tibbiyot OTMlarida ta’lim xizmatlarini tashkil etishda normativ-metodik bazaning shakllanganligini ko‘rsatishi bilan birga, raqamli kompetensiyalar, ma’lumotlar integratsiyasi, ta’lim va klinik amaliyot o‘rtasidagi muvofiqlashtirish hamda boshqaruv samaradorligi sohalarida mavjud muammolarni ham aniqladi. Shu asosda tibbiyot ta’limi tizimini takomillashtirish bo‘yicha xulosalar shakllantirildi.

Kalit so‘zlar: tibbiyot ta’limi, ta’lim xizmatlari, normativ-metodik ta’minot, raqamli transformatsiya, tibbiyot universitetlari, ta’lim sifati, boshqaruv.

НОРМАТИВНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ В МЕДИЦИНСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Акрамова Нозима Акрамовна
PhD, независимый соискатель университета Oriental, консультант по вопросам лицензирования и академического развития «Academic Development Group»

Аннотация

В статье проанализированы нормативно-методические условия организации образовательных услуг в медицинских высших учебных заведениях. Исследованы правовые и методические основы, регулирующие деятельность медицинских университетов в условиях реформ, осуществляемых в Узбекистане в сферах высшего образования, цифровой трансформации и здравоохранения. Оценены действующие нормативные документы, цифровая образовательная инфраструктура, механизмы управления образовательным процессом и система обеспечения качества образования. Результаты исследования показали, что в медицинских вузах сформирована нормативно-методическая база организации образовательных услуг. Вместе с тем выявлены проблемы, связанные с развитием цифровых компетенций, интеграцией данных, координацией образовательного процесса и клинической практики, а также повышением эффективности управления. На этой основе сформулированы выводы по совершенствованию системы медицинского образования.

Ключевые слова: медицинское образование, образовательные услуги, нормативно-методическое обеспечение, цифровая трансформация, медицинские университеты, качество образования, управление.

REGULATORY AND METHODOLOGICAL CONDITIONS FOR THE PROVISION OF EDUCATIONAL SERVICES IN MEDICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Akramova Nozima Akramovna
PhD, Independent Researcher at Oriental University, Consultant for Licensing and Academic Development at Academic Development Group

Abstract

This article examines the regulatory and methodological conditions for organizing educational services in medical higher education institutions. The study explores the legal and methodological foundations governing the activities of medical universities within the framework of ongoing reforms in higher education, digital transformation, and healthcare in Uzbekistan. The research evaluates existing regulatory documents, digital educational infrastructure, educational process management mechanisms, and quality assurance systems. The findings indicate that a regulatory and methodological framework for organizing educational services has been established in medical universities. At the same time, several challenges were identified, including the development of digital competencies, data integration, coordination between education and clinical practice, and the improvement of management efficiency. Based on these findings, conclusions and recommendations for improving the medical education system are proposed.

Keywords: medical education, educational services, regulatory and methodological support, digital transformation, medical universities, education quality, management.

Кириш

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг жадал тараққий этиши, меҳнат бозори эҳтиёжларининг ўзгариши ва билимга таянган жамиятнинг қарор топиши олий таълим тизими зиммасига янги вазифаларни юкламоқда. Бугунги кунда университетлар нафақат таълим берувчи муассаса, балки инсон капиталини ривожлантирувчи, инновацияларни илгари сурувчи ва жамият тараққиётига ҳисса қўшувчи муҳим босқич сифатида эътироф этилмоқда [4]. Шу боис олий таълим хизматларининг сифати, самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Бу жараён тиббиёт олий таълим муассасалари учун янада долзарб аҳамият касб этади. Чунки тиббиёт таълими нафақат таълим хизматларини ташкил этиш, балки аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизими учун юқори малакали, рақамли муҳитда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлаш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш соҳасида электрон тиббий карталар, телетиббиёт, сунъий интеллект элементлари, клиник қарорларни қўллаб-қувватлаш тизимлари ва бошқа рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши келажак шифокорларидан янги компетенцияларни талаб қилмоқда [6,8].

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини модернизация қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, таълим ва тиббиёт соҳаларини рақамли трансформация қилиш учун муҳим институционал асос яратилди. Натижада олий таълим муассасаларида HEMIS, Moodle ва бошқа ахборот тизимлари жорий этилди, электрон таълим ресурслари ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Бироқ амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишнинг норматив-методик таъминоти ва унинг амалиётга татбиқ этилиши ўртасида маълум тафовутлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, рақамли таълим муҳити ва клиник амалиёт интеграциясининг етарли даражада таъминланмаганлиги, рақамли компетенцияларни шакллантириш бўйича ягона методик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, таълим жараёнини баҳолаш ва бошқаришнинг маълумотларга асосланган механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги каби муаммолар кузатилмоқда [5]. Шунингдек, таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи турли ахборот тизимларининг ўзаро интеграцияси, маълумотлар хавфсизлиги ва таълим сифатини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалар қаторига киради [8].

Ушбу вазият тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этишнинг меъёрий-услубий шартларини атрофлича тадқиқ этиш, мавжуд тизим ҳолатини таҳлил қилиш ва ундаги мавжуд муаммоларни белгилаш заруратини тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этишнинг меъёрий-услубий шартларини ўрганиш, амалдаги ҳуқуқий ва услубий таъминотнинг ҳолатини баҳолаш, шунингдек, таълим жараёнини бошқаришда учраётган муаммоларни аниқлаш орқали уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этишнинг норматив-методик шарт-шароитларини баҳолаш мақсадида ҳужжатли таҳлил, қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикасида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимли равишда кўриб чиқилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, олий таълим муассасаларида масофавий таълимни йўлга қўйиш тартибини белгиловчи қарорлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ва тиббий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган норматив ҳужжатлар таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тиббиёт таълими ва рақамли трансформация масалалари бўйича миллий ҳамда халқаро илмий манбалар таҳлил қилинди. Жумладан, тиббиёт университетларининг рақамлаштириш даражаси, рақамли таълим муҳитини шакллантириш, рақамли компетенцияларни ривожлантириш, таълим хизматларини бошқариш ҳамда таълим сифатини баҳолаш масалаларига оид илмий мақолалар,

диссертациялар ва таҳлилий материаллар таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида Курск давлат тиббиёт университети, Финляндия, Ирландия ва Австралия олий таълим муассасалари тажрибалари, шунингдек Ўзбекистон олий таълим тизимида рақамлаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилди.

Учинчи босқичда қиёсий таҳлил усули асосида миллий норматив-методик талаблар халқаро ёндашувлар билан таққосланди. Бунда тиббиёт таълимида рақамли технологияларни жорий этиш, таълим жараёнини бошқариш, рақамли компетенцияларни шакллантириш ва таълим сифати мониторингини ташкил этиш бўйича мавжуд амалиётлар ўзаро солиштирилди.

Тизимли ёндашув асосида тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишга таъсир этувчи асосий омиллар меъёрий-ҳуқуқий таъминот, ташкилий-бошқарув тизими, рақамли таълим муҳити, ахборот тизимлари, ўқув-услубий ресурслар ва кадрлар салоҳияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Бу эса таълим хизматларини ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини комплекс баҳолаш ва соҳадаги асосий муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг ахборот базасини миллий қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари, расмий статистик маълумотлар, олий таълим муассасаларининг очиқ маълумотлари ҳамда тиббиёт таълими ва рақамли трансформация соҳасига оид илмий нашрлар ташкил этди. Натижаларни умумлаштиришда таҳлилий синтез ва мантиқий хулоса чиқариш усулларидан фойдаланилди.

Натижалар

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда тиббиёт таълимини рақамлаштиришга оид миллий ва халқаро тадқиқотлар таҳлили натижасида тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишнинг норматив-методик шарт-шароитлари бўйича қуйидаги ҳолатлар аниқланди.

Тиббиёт таълимини ташкил этишга таъсир этувчи норматив ҳужжатларни шартли равишда тўртта асосий гуруҳга ажратиш имконини берди (1-жадвал). Таҳлил натижалари кўрсатишича, тиббиёт ОТМлари фаолиятини тартибга солувчи норматив база кўп босқичли ва соҳалараро хусусиятга эга.

1-жадвал


Тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишнинг норматив асослари

Йўналиш	Асосий ҳужжатлар	Тартибга солинадиган жараёнлар
Таълим сиёсати	«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси	Таълим хизматлари, таълим шакллари, сифат

Рақамли трансформация	«Рақамли Ўзбекистон – 2030»	Рақамли инфратузилма ва электрон хизматлар
Олий таълим бошқаруви	Кредит-модуль тизимига оид ҳужжатлар	Ўқув жараёнини ташкил этиш
Соғлиқни сақлаш сиёсати	Тиббий таълим ва соғлиқни сақлашга оид қарорлар	Клиник тайёргарлик ва тиббий кадрлар тайёрлаш

1-жадвалда келтирилган маълумотлар тиббиёт ОТМлари фаолиятини тартибга солувчи норматив асослар бир нечта йўналишларни қамраб олишини кўрсатади. Таълим сиёсатига оид ҳужжатлар таълим хизматларининг мазмуни ва сифатига доир талабларни белгиласа, рақамли трансформация соҳасидаги қарорлар электрон хизматлар ва рақамли инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бирга, тиббиёт таълими соғлиқни сақлаш соҳаси билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу соҳада қабул қилинган ҳужжатлар ҳам таълим жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шунингдек тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишнинг методик таъминоти бешта асосий таркибий қисмдан ташкил топиши аниқланди (1-расм). Таҳлил натижаларига кўра, сўнгги йилларда электрон таълим ресурслари ва рақамли платформалар улуши сезиларли даражада ошган.



1-расм. Тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этишнинг методик таъминоти.

1-расмда акс эттирилган методик таъминот таркиби ўқув дастурлари, электрон ресурслар, симуляцион таълим, баҳолаш тизими ва амалий тайёргарлик методикаларидан ташкил топган. Сўнгги йилларда рақамли ўқув материаллари ва симуляцион технологиялардан фойдаланиш кўлами кенгайиб, улар таълим жараёнининг доимий элементларига айланиб бормоқда. Айни пайтда баҳолаш ва амалий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи айрим механизмлар турли муассасаларда турлича қўлланилмоқда.

Ўрганилган манбаларда тиббиёт ОТМларининг рақамли таълим муҳити қуйидаги таркибий элементлардан иборат эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал


Тиббиёт ОТМларида рақамли таълим муҳити таркиби

Элемент	Вазирфаси
HEMIS	Академик жараёнларни бошқариш

Moodle ва LMS тизимлари	Ўқув материалларини жойлаштириш
Электрон кутубхона	Ахборот ресурсларидан фойдаланиш
Симуляцион марказлар	Амалий кўникмаларни шакллантириш
Телетиббиёт платформалари	Масофавий клиник таълим
Аналитик панеллар	Бошқарув қарорларини қабул қилиш

Ушбу жадвалда тиббиёт ОТМларида қўлланилаётган рақамли таълим муҳитининг асосий элементлари келтирилган. HEMIS ва LMS платформалари академик жараёнларни бошқариш ҳамда ўқув материалларини тақдим этиш вазифасини бажараётган бўлса, электрон кутубхоналар ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шунингдек, симуляцион марказлар ва телетиббиёт платформалари амалий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим рақамли воситалар сифатида намоён бўлмоқда.

Манбалар таҳлили натижасида аниқланган муаммолар қуйидаги кўринишда тизимлаштирилди (2-расм). Улар орасида норматив талабларнинг тўлиқ амалга оширилмаслиги, рақамли педагогика бўйича ягона ёндашувнинг шаклланмаганлиги, ахборот тизимлари ўртасидаги интеграция даражасининг чекланганлиги ва рақамли компетенциялар даражасидаги тафовутлар кўпроқ учради. Бундан ташқари, баҳолаш механизмлари ҳамда клиник ва таълим муҳитлари ўртасидаги рақамли алоқалар билан боғлиқ масалалар ҳам қайд этилди.



2-расм. Аниқланган муаммоларнинг тақсимланиши

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, муаммолар асосан норматив базанинг мавжуд эмаслиги билан эмас, балки унинг амалиётда қўлланилиши, методик таъминот ва бошқарув жараёнларини рақамли муҳитга мослаштириш билан боғлиқ.

Муҳокама

Тадқиқот натижалари тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этиш учун зарур норматив-ҳуқуқий асослар шаклланганлигини кўрсатди. Бироқ

норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам уларнинг самарали амалий татбиқ этилишини таъминламаслиги аниқланди. Бу хулоса И.В. Иванчук ва А.А. Плащёвая томонидан таълим муассасаларида рақамли трансформация жараёнларини таҳлил қилиш асосида билдирилган фикрлар билан уйғунлашади. Муаллифлар рақамли ривожланишнинг асосий тўсиқларидан бири сифатида ташкилий ва бошқарув механизмларининг етарли даражада мослашмаганлигини қайд этадилар [9.]. Шу билан бирга, McCarthy (2020) рақамли трансформация муваффақияти биринчи навбатда раҳбариятнинг стратегик ёндашуви ва ташкилот маданиятига боғлиқлигини таъкидлайди. Бу ёндашув норматив базанинг ўзи етарли эмаслигини, уни амалга ошириш механизмлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади [10.].

Тадқиқотда аниқланган иккинчи муҳим натижа тиббиёт ОТМларида рақамли таълим ресурслари жорий этилаётган бўлса-да, рақамли педагогика ва клиник таълим интеграцияси етарли даражада шаклланмаганлигидир. Бу хулоса Курск давлат тиббиёт университети мисолида рақамли трансформация жараёнларини таҳлил қилган С.Н. Бондаренко ва ҳаммуаллифларининг тадқиқоти билан мос келади. Улар тиббиёт таълимида рақамли технологияларнинг кенг жорий қилинишига қарамасдан, ўқув жараёни ва клиник тайёргарлик ўртасида методик узилишлар сақланиб қолаётганлигини таъкидлайдилар. Бошқа томондан, Althubaiti ва ҳаммуаллифлари (2022) Саудия Арабистонида ўтказган тадқиқотларида рақамли таълим муҳитининг самарадорлиги асосан профессор-ўқитувчиларнинг рақамли технологияларни таълим методикаси билан интеграция қилиш қобилиятига боғлиқлигини кўрсатган [1.]. Демак, хорижий тадқиқотлар мазкур муаммонинг техник эмас, балки педагогик хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Таҳлил натижалари ахборот тизимларининг ўзаро интеграцияси тиббиёт таълимидаги энг муҳим муаммолардан бири эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат А.Ж. Усмонов томонидан таълим ташкилотлари фаолиятининг рақамли трансформациясига бағишланган тадқиқотида ҳам қайд этилган бўлиб, муаллиф рақамли муҳитнинг самарадорлиги алоҳида платформалар сонига эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлигига боғлиқлигини таъкидлайди [3.]. Шу нуқтаи назардан, Эстония ва Финляндия тажрибасини таҳлил қилган Rajalampi ва Sorila (2021) рақамли экотизимнинг ягона маълумотлар майдони асосида қурилиши таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари интеграциясининг муҳим шарти эканлигини кўрсатади. Бу натижалар бизнинг хулосаларимизни тасдиқлайди.

Тадқиқот давомида профессор-ўқитувчиларнинг рақамли компетенциялари таълим хизматлари сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан бири эканлиги аниқланди. Мазкур натижа Кулдошева (2021) томонидан Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар билан уйғунлашади [7.]. Муаллиф рақамли трансформациянинг асосий чекловчи омили технологиялар эмас, балки инсон капитали эканлигини таъкидлайди. Худди шундай хулосага Hanley (2025) ҳам келган бўлиб, Ирландия олий таълим муассасалари мисолида рақамли ўзгаришларнинг муваффақияти ходимларнинг рақамли кўникмалари ва ўзгаришларга тайёрлигига боғлиқлигини кўрсатган [5.]. Бироқ айрим тадқиқотчилар рақамли трансформацияда технологияларнинг ҳал қилувчи ролини биринчи ўринга қўядилар. Масалан, Müller (2024) университетларни рақамлаштириш жараёнида инфратузилмавий инвестицияларни асосий

омил сифатида баҳолайди. Бу ёндашув инсон капиталига асосланган концепцияга нисбатан маълум даражада альтернатив позиция ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари таълим сифати мониторинги ва баҳолаш тизимларида рақамли кўрсаткичлардан фойдаланиш механизми етарли даражада шаклланмаганлигини ҳам кўрсатди. Бу ҳолат Усмонов (2025) томонидан Ўзбекистон олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотида ҳам қайд этилган. Муаллиф таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда рақамли кўрсаткичлар ва KPI тизимини кенг қўллаш зарурлигини асослаб берган [3.]. Шу билан бирга, Сао ва ҳаммуаллифлари (2023) олий таълим тизимлари самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотида рақамли кўрсаткичлар таълим сифати ва барқарорлигини баҳолашнинг муҳим инструменти эканлигини кўрсатган [2.]. Бу натижалар мазкур тадқиқотда аниқланган муаммонинг халқаро миқёсда ҳам долзарблигини тасдиқлайди.

Умуман олганда, олинган натижалар маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганда тиббиёт ОТМларида таълим хизматларини ташкил этиш соҳасида асосий муаммолар норматив базанинг етишмаслиги билан эмас, балки унинг амалий татбиқи, рақамли педагогика, инсон капитали ва ахборот тизимлари интеграцияси билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бу эса тиббиёт таълимини рақамли трансформация қилиш жараёнида ташкилий-бошқарув ва методик омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини англатади.

Хулоса

Ўзбекистонда тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ва методик база таълим жараёнини замонавий талаблар асосида йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитларни шакллантирган. Мавжуд меъёрий ҳужжатларда таълим сифати, академик бошқарув, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ асосий масалалар қамраб олинган.

Бироқ рақамли муҳитнинг тез суръатларда ривожланиши таълим хизматларини ташкил этишга нисбатан янги ёндашувларни талаб этмоқда. Амалдаги меъёрий талаблар билан рақамли таълим муҳити эҳтиёжлари ўртасида айрим тафовутлар мавжуд. Бу, хусусан, рақамли педагогикани жорий этиш, таълим ва клиник ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда таълим натижаларини баҳолаш жараёнларида намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, тиббиёт таълими учун ягона рақамли экотизимни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг рақамли кўникмаларини ошириш ва бошқарув қарорларини аниқ маълумотларга асосланган ҳолда қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат таълим жараёнининг самарадорлиги ва шаффофлигини оширади, балки клиник тайёргарлик сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Умуман олганда, тиббиёт ОТМларида таълим хизматларининг сифати ва барқарорлиги фақат норматив ҳужжатларга эмас, балки уларнинг амалдаги ижроси, бошқарув тизимининг имкониятлари ва рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ. Шу сабабли мазкур йўналишларни изчил такомиллаштириш тиббиёт таълимини замонавий талабларга мос равишда ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Althubaiti A, Tirksstani JM, Alsehaibany AA, Aljedani RS, Mutairii AM, Alghamdi NA. Digital transformation in medical education: Factors that influence readiness. Health Informatics J. 2022 Jan-Mar;28(1):14604582221075554. doi: 10.1177/14604582221075554. PMID: 35196920.
2. Cao, C., Wei, T., Xu, S. et al. Comprehensive evaluation of higher education systems using indicators: PCA and EWM methods. Humanit Soc Sci Commun 10, 432 (2023). https://doi.org/10.1057/s41599-023-01938-x
3. Usmonov, A. J. (2025). Analysis of indicators for assessing the management activities, classical and economic functional capabilities of modern educational institutions (on the example of higher education institutions in Uzbekistan). Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 6(04), 16–37. https://doi.org/10.37547/mesmj-V6-I4-03
4. Tiwari, Siddhartha Paul, 2024. "Digital Transformation Framework for Higher Education: Principles, Guidelines, and Actionable Recommendations," MPRA Paper 124979, University Library of Munich, Germany.
5. Hanley, M. (2025). The Impact of Digital Transformation in Higher Education in Ireland. Doctoral Thesis.
6. Гнатышина Е.В., Белоусов А. О. Трансформация методической работы учителя в условиях цифровизации образования // Научное обеспечение системы повышения квалификации кадров. 2019. №2 (39). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/transformatsiya-metodicheskoy-raboty-uchitelya-v-usloviyah-tsifrovizatsii-obrazovaniya (дата обращения: 13.08.2026).
7. Kuldosheva, Gulnoza. (2021). Challenges and opportunities of digital transformation in the public sector in transition economies: examination of the case of Uzbekistan.
8. Liu, Chen, Song, Boxuan, [Retracted] Impact Assessment of Big Data on Higher Education Management Based on Time-Varying Clustering Sampling Algorithm, Computational Intelligence and Neuroscience, 2021, 7954797, 7 pages, 2021. https://doi.org/10.1155/2021/7954797
9. Иванчук О.В., Плащёвая Е.В. Цифровизация медицинского образования: новые вызовы и границы применимости // CITISE. 2022. № 1(31). С. 124–136. DOI: 10.15350/2409-7616.2022.1.10.
10. McCarthy, Aidan & Maor, Dorit & McConney, Andrew & Cavanaugh, Cathy. (2023). Digital transformation in education: Critical components for leaders of system change. Social Sciences & Humanities Open. 8. 100479. 10.1016/j.ssaho.2023.100479.